

Беренгай 2010 - І-а

Оила



Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

8 (954)-сон

25 февраль — 3 март 2010 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz

ЭНДИ У ДОКТОРЛИК
ИШИННИ ҲАМ ҲИМОЯ
КИЛМОҚЧИ



ҚИШЛОҚДАГИ
ФАН НОМЗОДИ

3

«ТОГЛАР ЙИГЛАСА
ҲАМ, ОНА, СЕН
ЙИГЛАМАГИН!»

Кодир
бахшига
багишлов

5



жамият


жамият

12

ПУЛ ЖИГАРДАН
БҮЛӘДИ, ЛЕКИН...



15



Кўли гулдир ўзбек қизларин!

Шавкат СУЛТОНОВ сурат-лавҳаси

КЎЗ-КЎЗ ҚИЛИНМАГАН СЕВГИ

Манзура РАҲМОНОВА

(шоир Шавкат Раҳмоннинг рафиқаси):

— «Севдим-куйдим» деган гапларни ёмон кўрарди. «Севги инсоннинг юрагида бўлиши керак, уни ҳаммага кўз-кўз қилиб жар солиш шарт эмас, унда қадри қолмайди», дерди. Бирор кинодами, бошқа жойдами, «Сизни севаман, жонимдан ортиқ яхши кўраман» қабилидаги дил изҳорларини эшишиб қолса, фаси келарди. Менга ҳам ҳеч қачон «Севаман», деб айтмаган.

— 4 —

КЕЧА:

→ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида "Microsoft" корпорациясининг Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари хукуматлари билан ишлаш бўйича директори Роланд Хоффман билан учрашув бўлиб ўтди.

→ Пойтахтимиздаги «Универсал» спорт саройида бадиий гимнастика бўйича бўлиб ўтган XI Осиё чемпионатида яккаликлар ўртасидаги кўп кураш беллашувларида голиб чиқсан терма жамоамиз етакчиси, Тошкентдаги 78-мактаб ўқувчisi Азиза Мамажонова Сингапурда ўтказиладиган ёшлар Олимпиадаси йўлланмасини кўлга киритди.

БУГУН:

→ Ўзбекистон Республикаси Соғлини саклаш вазирлиги, «Аёллар кенгаси» республика жамоат бирлашмаси, «Хаёт учун» аёллар ҳамкамияти, Ихтимой ташаббусларни кўллааб-куватлаш фондни ҳамкорлигига аёллар онкологик хасталикларни даволаш борасидаги сайй-ҳаракатларни бирлаштириши масалаларига бағишлиланган давра сухбати бўлиб ўтди.

ЭРТАГА:

→ «Ўзгидромет» мутахассисларининг маълумотига кўра, мамлакатимизда ҳаво яна ўзгариб туради. Вакти вакти билан ёмғир ёғиши, шимолий ҳудудларда ҳарорат пасайиши кузатилади. Демак, кексаларимиз айтганидек, кишининг бир куни ҳам киши.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Таҳтдан ҳам бахт афзалдир	2
Раҳбар аёлга осонми?	2
Киёматга қолмасин қарз	3
Сарвар Қодиров: илем иўли ҳак йўлдир	5
Хатлар учраштираси бизларни	6
Кудаликдан жудоликка қадар	6
Конун ҳимоячиси қонунни бузди	7
Теледастурлар	8-10
Маникьюр саратон касаллигига олиб келмоқда	11
Улмаган одамга... мукофот шартми?	12
Ўғри битта, гумондор мингта: ким айборд?	16

OILA DARSXONASI

1. Сизнингча, ўзбек оиласи қандай бўлиши керак?

2. Оиласда отанинг ўрни нималарда намоён бўлади? Она-нинг-чи?

3. Замонавий оила учун қадимий қадриятлардан кайсиликни зарур деб ҳисоблайсиз?

4. Фарзанд тарбиясида қаттиқкўл бўлиш керакми?



Ойша ТУРАЕВА,
педагогика фанлари доктори,
профессор:

1. – Бизда ўзбекчилек деган гап бор. Бу бекорга эмас. Чунки ана шу битта сўзининг ўзида қанча фазилат, улуверлиги яширин. Ва шунга яраша соддатлик ва айрим холларда курсурлар ҳам бор (бу кўпроқ тўй-маросимларда "ким ўзар"га берилиш ёки дабдабозлиси сезилади).

Ота-балимиздан мерос бўлиб колган урф-одатларни асраб-авайлаш, миллий қадриятларга қатъий амал килиш, айниқса, буларнинг барчасини эндиғина катта ҳаёт ийлига қадам қўяётган ёшларимиз онига сингидириш лозим. Боща миллат ва элатларни сира камситмаган холда, ишонч билан айта оламанки, ўзбек оиласининг устун жиҳатлари кўп. Лекин гоҳида кексайиган ота ёнасини кариялар уйига олиб бориб ташлаган ёки арзимаган молдунё, уй-жой учун жанжаллашиб,

Оналар ҳаёда гапиришдан аввал яна халқимизнинг бой маънавий меросига мурожаат киламиз. Эътибор беринг: "Она қизига тахт

ТАХТ ЭМАС, БАХТ БЕРАЙЛИК

судма-суд юрган ака-укалар, опасингиллар ҳақида эшитиб қоламиз. Бундайларга Оллоҳдан инсоф, тавфиқ сўраймиз, холос.

Останован киришингиз биланок, "Ассалому алейкум, ҳуш келибисиз!" деб ёруғ юз билан кутиб олишса, кекса ёшнинг ҳурмати жойига қўйилса, бин-бирларига самимин ҳушмуомалада бўлишича, бирон яхшилик қўйла ҳам ҳеч жойда ошкор этмас, уйлар ҳам, рўзгор туумлари ҳам, хонадон соҳибларининг кўнгиллари каби пок-покиза бўлса, шу-да энди ҳакиқий ўзбек оиласиди!

2. Ёнг аввало, отанинг сўзи сўз, гапи гап бўлган оиласда хайр-барақа, хотиржамлик, ахиллик ҳукмрон бўлади. Фарзандлар бир-бирларига меҳр-оқибати бўлса, ота-оналарнинг иззат-хурмати ҳам жойжойига қўйилади. Акси бўлса-чи? "Ковун ковундан ранг олади": ҳамма нарса омонат. Хотин болаларига кунора эрини ёмонлаб ўтирас... Эр курғур ҳам бирор тайинли жойда ишламай, чойхондан бўшамаса, бир сўз билан айтганда, тили қисиқ бўлса, бу рўзгорда жонини жабборга бериб, уч-тўрт танга топиб келаётган хотиннинг тили ўзун бўлади-да! Шунинг учун ота ўз вазифаси (бу жуда кенг тушунча)ни шараф билан удаласа, бу оиласа ҳамма ҳавас килади.

Ота ҳамма замонларда ҳам фарзандлари учун кўзгу вазифасини бажарib келган. Ўндан андоза олинади, яхши бўлса, яхши, ёмон бўлса, ёмон амаллари болаларига ўтади. Ўланг, "Манавининг отаси ўзи ўғри, каззоб, ёғлончи эди", деган гап-сўз қаёқда-ю, "Барака топсин, отасига еттиби, тарбияли, имлли, маърифати экан" деган эътироф қәёқда?

Оналар ҳаёда гапиришдан аввал яна халқимизнинг бой маънавий меросига мурожаат киламиз. Эътибор беринг: "Она қизига тахт

эмас, бахт ясади", "Онасини кўриб қизини ол"... Бу ҳикматлар бекорга асрлардан асрларга ўтиб келаётгани ўйк. Уларнинг оиласидаги бурчи ва вазифаси ҳам оталардан кам эмас, балки базъида ортиқор, десам янглишмайман.

3. Ҳали-ҳали эсимида, ёшлигимизда ота-онамиздан "Олдингдан ким чисса, биринчи бўлиб сен салом бер, сувга тупурма, ахлатни ариқка тўқма. Кўпроқ китоб ўзи, ёлғон гапири, дўстга хиёнат қўйла" деган панд-насиҳатларни кўп марта эшитганимиз. Ана шу маслаҳатлар кўзғошингдай кўйилган ва улрага қатъий амал қилганимиз. Энди билсак, ўлмас қадриятлар замириди ана шундай ибратли тарбия амаллари ётар экан.

4. Ўз оиласа мисолида жавоб берга қолайин. Ҳўжайнин Мирсоат Эргашев билан 57 йилдан бери бир-бirimizga суняшиб, елкадош, ўзаро ахил ва инок ҳаёт кечириб келяпмиз. Беш ўғлимизнинг ҳаммаси олий маълумоти, турли соҳаларда хизмат қилишапти. Беш келиннимиз ҳам ўқимиши, жуда яхши оила фарзандлари, барака топишни. Беш ўғлини тарбиялаб, вояга етказиш, элга кўшиш албаттса осон кечмаган. Қаттиқкўллик ҳам қилганимиз, бу кайси маънодаки, калтаклаш, жисмоний жазо бериси орқали эмас, аксинча, танбеҳ, койши орқали амалга оширилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида кечган 45 йиллик педагогик таҳжимандан келиб чиқиб айта оламанки, калтак билан ақд қирмайди, болалини тарбияси ҳам изига тушмайди, балки унинг ўзи эртага ота-онаси номига дод туширадиган ишга кўл уради. Шунинг учун қаттиқкўллик қиласаман деб, фарзандининг юригидаги ўзинингга нисбатан нафтад пайдо бўлишига йўл қўйманг.

✓ 2010 – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

ЗУРРИЁДЛАР ЗАВОЛ ТОПМАСИН

Гўдак дунёга келса, «Эртанинг кунимининг эгаси түғилди», деб суюнади она, наслининг давомчиси яралганидан ота қалби гурурга тўлади. Катта умид ва кексиз кувонч бўлиб түғилган бўлса, турғак жон соғ-саломат бўлса, шоддигимизга шодлик, баҳтирик мизга баҳт кўшилгани шу!

Ахир, динимизда ҳам наснининг давомийлигини таъминлаш мақсадида тузиладиган никоҳ пок ва соглом бўлса, түғилажак фарзандлар ҳам баркамол бўлиши ўтирилган. Отабоболаримиз эса азал-азалдан оила куриши, фарзанд кўриш учун каттиқ тайёрларидан ўтиш лозим деб ҳисоблаган. ўшларни ёмон йўллардан кайтариб, нопокликлардан аспрашига интилган. Чунки насл согломлиги бани одамзотнинг ҳаёт-мамот муммоносидир.

Истиқололга эришганимиздан сўнг ўртимизда баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишнинг мустаҳкам ҳукукий асослари яратилди. Жумладан, Президентимизнинг «2008–2012 йилларда болаликдан ногиронлар түғилишининг оддини олиш учун тумфа ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дас-

тури тўғрисида»ги ҳарори ҳам зурриёдлар завол топишига йўл қўймаслик мақсадида қабул қилинган.

Ушбу қарорнинг самараси ўларок, вилоятимиздада түғиси ўшидаги хотин-қизлар, ҳомиладор аёллар «Она ва бола» скрининг марказларида чуқураштирилган тиббий кўриклигаря жалб қилинбон, болаларда тумфа ва ирсий касалликларнинг олдини олиш йўлида бир мунча ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, Адлия бошқармасининг ФХДЕ идоралари соғлиқи саклаш мусассасалари, хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда ахолининг тиббий маданиятини ошириш, ҳукукий билимларини юксалитириш максадида ўтиб келаётган 350 минг минутдан ошарни тарбиялаб олиб келиши ҳаёда ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандлари олдида юзи ёруғ бўлишига интилиши зарур. Янни, пок ният ва пок жисм меваси бўлган зурриёдларгини заволга ўзи тумайди. Бинобарин, ўшларимизнинг буюк аждодларимизга муносаб авлод бўлиб камол топиши учун шарт-шароити яратишни янада жадаллаштириш максадида жорий йил ўртимизда «Баркамол авлод йили» деб номланди. Бундай ётибордан ҳар биримиз тўғри ҳулоса чиқариб олмогимиз шарт. Колаверса, фарзандлар олдида ўзимиз бурчи ҳис этиб яшаш ота-бо балиримиздан қолган энг ибратли меросидир.

ОИТСга чалинган, гиёхвандликка берилган, яқин қариндош бўлган архотинлар оиласининг, бир сўз билан айтганда, согласом турмуш тарзини ўзига одат қилмаган никоҳлар меваши бўлиб дунёга келаётгани ҳаёда бот-бот тақрорлайдилар.

Инсон ўз соғлиги ва поклигини асрл оиласа, тугилажак зурриёдларни тақдирини сог-омонлигини хаттарга қўяди. Баъзан оддийдан иш: никоҳгача тиббий кўриклидан ўтаслик ҳам тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши ҳаёда ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандлари олдида юзи ёруғ бўлишига интилиши зарур. Янни, пок ният ва пок жисм меваси бўлган зурриёдларгини заволга ўзи тумайди. Бинобарин, ўшларимизнинг буюк аждодларимизга муносаб авлод бўлиб камол топиши учун шарт-шароити яратишни янада жадаллаштириш максадида жорий йил ўртимизда «Баркамол авлод йили» деб номланди. Бундай ётибордан ҳар биримиз тўғри ҳулоса чиқариб олмогимиз шарт. Колаверса, фарзандлар олдида ўзимиз бурчи ҳис этиб яшаш ота-бо балиримиздан қолган энг ибратли меросидир.

Пўлат БОБОЁРОВ,
Сурхондарё вилояти
адлия бошқармаси бошлиги
ўринбосари.

Оила жамият

Почтасидан

РАҲБАР АЁЛЛАР УЧРАШДИЛАР

Аёлга раҳбар бўлиш осонми? Ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги, аёл ўз олдига бир мақсадни кўйса, унга эришиш учун тинимсиз изланади, ишига масъулият билан ёндашади. Қийинлиги, бу йўлда ўнлаб раҳбар эркаклар билан баҳлашишига, мунозара қилишига тўғри келади. Яна бир жиҳати, уни ҳар доим тушунаверишмайди. Жим турбя кузатишади, сўнг муҳокама қилишади.

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Фридрих Эберт номидаги ҳалкаро ҳамарманинг ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида Тошкент вилоятининг Қибрай туманида ташкил этилган семинарда «Жамиятни демократлаштириш жарабёнида раҳбар аёллар ролини кучайтириш йўллари» хусусида баҳс мунозара бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент вилоятида фаолият юритаётган раҳбар-аёллар, депутатлар, туман хотин-қизлар кўмиталарининг раислари ва фолалари, жамоат ва нодайот нотижораз ташкилотларнинг вакиллари иштирок этиши.

Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Акбарова аёлларнинг иккимой-сиёсий фаоллигини оширишда хойлардаги хотин-қизлар кўмиталарининг ўрни ва нуфузи мухим экванини аълоҳида таъкидлайди. Шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарда ташкил этилган раҳбар аёллар клубларининг фаолиятини янада кучайтириш лозимлигига эътибор қаратди. Бу борада Фарғонанинг Кўкон шахри ва Тошкент шахридаги Сергели туманида яхши натижаларга эришилаётганини эътироф этиди.

Нигора РАҲМОНОВА,
«Оила ва жамият» мухбари.

ТАДБИРКОРЛАР ТАДБИРИ

Андижон вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Мехр нури» жамармаси ташаббуси билан ташкил этилган анжумандада бу гал қўшиш Наманнган ва Фарғона вилоятларида оиласидаги тадбиркорлик борасида таджриба тўплаган аёллар, хотин-қизлар кўмиталари раислари, «Аёллар кенгаши», «Тадбиркор аёл», «Хунарманд аёл» ўшомалари раислари, банк вакилари қатнашилар.

Хукуматимиз томонидан кичик оиласидаги, касаначилик ва бошча тадбиркорлик турларини ривожлантириш борасида кенг имкониятлар яратиб берилаетганилиги ва бу ғамхўрликдан оқулона фойдаланиш йўллари хусусида Андижон вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси тадбиркорлик борасида Нигора Якубованинг билдириган фикр-мулоҳазалари иштирокчиларда катта қизиқиши ўйғотди. Шундан сўнг «Мехр нури» жамармаси тадбиркор ва ишбилиармон хотин-қизлар ўртасида маҳсус грантлар танловини эълон қилиди.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,
«Оила ва жамият» мухбари.
Андижон вилояти.

ФАОЛЛИК ОШМОКДА

Чироқчи туман хотин-қизлар кўмитаси Ўзбекистон ХДП туман кенгаши билан ҳамкорликда жамиятда аёллар фаоллигини оширишда ибратли ишларни амалга ошириётди. Партия кенгаши ҳузуридан «Фаол аёллар» каноти фаолияти бунга ёркин мисол бўла олади. Қишлоқ аёлларни иш билан ташминлаш, уларнинг фаоллигини оширишда сиёсий партиялар билан ҳамкорликда ташминлаш, уларни ижтимоий-фойдали мөхнатга жалб қилишда ўз самарасини беради.

— Туманимизда истиқомат қилаётган 350 минга яқин ахолининг ярмидан кўпроғини хотин-қизлар кўмитаси раиси Холида Ўтаева. — Айниқса, аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини янада кучайтириши учун сиёсий партиялар билан ҳамкорликда ишшимиз ижобий натижалар бермоқда.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Оила ва жамият» мухбари.
Кашқадарё вилояти.



ҚИШЛОҚДАГИ ФАН НОМЗОДИ

Энди у докторлик ишини ҳам ҳимоя қылмоқчи

Бугун Самарқанд вилойтида 700 нафардан зиёд олималар фоалият юритмоқда. Табиийик, уларнинг аксариети шаҳардаги олий ўкув даргоҳларида ишлайдилар, изланадилар. Аммо буғунги сұхбатдошимиз — қишлоқда түриб ҳам илмий иш кишилден чўчумаган аёл. Юлдуз Абдурахмонова Тайлоқ туманининг Адас махалласида истиқомат килади. У география фанлари номзоди, 26-умумтаджим мактаби директори, шунингдек, тумандаги бадий гимнастикада федерацияси ва аёллар ўтасида спортив ривожлантириш клуби раиси ҳамдир. Оилали, иккى нафар фарзанди бор.

Фан номзодлигини 28 ёшингизда ёқлаган экансиз. Ҳатто, шаҳарда түриб ҳам бу ёшда илмий ишини ёқлашга қўйидаётган аспирант аёллар кўп...

— Қишлоқдан қатнаб, яна буниң устига турмуш ташвишларидан ортиб, ҳаммасига қандай улутлурдингиз, демоқисизда? Ҳар бир инсонга турлича табиат ато қилинкаркан. Менга университетни тутгатнимадаёқ, домлалар шаҳарда қолиб, илмий ишини давом эттиришими маслаҳат берганди. Аввалига бу



таклиф анчайин ёқимли тулоди. Ахир аксарият қишлоқ ёшлари шаҳарда қолиб ишлани орзу қилишарди. йашанда. Аммо мен ўйнимизга бир бориб келдим-у, фикрим ўзгарди. Чунки, қишлоқда түриб ҳам интилсан, кўп нарсага эришаман, деган қатъ-

миз менга якиндан ёрдам беруб туришиб. Шунинг учун бўлса керак, илмий ишини ҳам ўз вақтида ҳимоя килдим. 2003 йили «Зарафшон» воҳаси ландшафтларини экологик жиҳатдан оптималлаштириш» мавзусидаги номзодлик ишини устозим,

ий карорга келгандим. Шундан сўнг мактабга география фани ўқитувчи бўлиб ишга кирдим.

Балки оиласиздагилар шаҳарда қолишингизга қаршилик килгандир?

— Йўқ, аксинча, улар менинг доими кўллаб-куватлаган. Шунинг учун иккى йилдан сўнг, яни 1997 йили аспирантурага ўқишга кирдим. Қайнонам, турмуш ўрготим, умуман, барча оила аъзоларни

профессор А.Абдулқосимов ёрдамида ёқлашга муваффак бўлдим. Айни кунларда эса яна шу устозим билан бирга монография устида иш олиб бораётмиз.

Демак, ҳали илмий ишингизни давом эттирамоқчизис?

— Албатта, шу йил наисб киласа, докторлик диссертацияси устида ҳам иш олиб боришини режалаштириб кўйганиман. Ҳозирга қадар 50га яқин илмий мақола чоп этирдиди.

— Лекин мактабдаги фоалиятнинг, яна спорт федерацияси раҳбарлиги... Булагра ҳам алоҳидаги куч, вакт сарфламаса бўлмайди-ку?

— Айтадилар-ку, «Излаган имкон топади, истамаган баҳона», деб. 26-умумтаджим мактабига директор бўлиб ишга келганимда, аввалига қандай йўл тутишин билмай көргандим. Муассасанинг ахволи ҳаминчадар эди. Иши дарҳол ҳомийлар топиб, мактабни таъмирилаштидан бошладим. Кўпчилик бу йил сарфланган маблағлар кўринмай қолади, мактаб яна таъмирга муҳтоҳ бўлади, дебя

истеҳзо билан қараганди. Лекин, шукрки, мана, мактабимиз хукуматимизнинг эътибори, қолаверса, саҳоватли тадбиркорлар кўмаги туфайли янада кўркам қиёфага эга бўлди. Тўғри, энавал ўқувчига яхши таълим-тарбия бериши муҳим. Аммо боланинг эстетик тарбияси унинг ўзига нисбатан ишонччи ортиради.

Спорт клубига аъзо юздан зиёд аёллар машғулотлар ўтказишида. Бадий гимнастика бўйича тўғраклар эса туман миқёсида 10ta мактабда фоалият олиб бормоқда. Мураббийларнинг етишмаслиги бирор музаммо бўлса-да, аммо буни ҳам имкон даражасида ҳал қишилганинг ҳаракат киляпмиз.

— Ўз вақтида энг ёш олима, энг ёш мактаб директори... Буларнинг сафига якинда ўтказилган «Ийл аёли» танловида «Энг яхши мураббий» номинациясидаги галиблигингизни ҳам кўшсак бўлади.

— Таъловнинг вилоят босқичида шундай сертификат билан тақдирланишим ўз ишимга, ҳаракатларимга бўлган ишончни яна-да ошириди.

Мехнатларининг этироф этилиши инсонга ҳамиша куч-ғайрат багишлади. Шукрки, бу баҳтдан бебаҳра эмасман.

«Оила ва жамият» мухбири Гулруҳ Мўминова сұхбатлашди.

МАХАЛЛАМ – МЕНИНГ ОИЛАМ



Софлигига ётибор бермай, бизни қийин ахволга солиб кўядиган хотинлар ўтасида тушунириш ишларини олиб борамиз. Эшикмазешик юриб, ҳам қайнонани, ҳам

— Ўзим «Бирлик» махалласида яшайман. Ҳар куни шаҳарга ишга кетаётib, кўча муюлишидаги боғчанинг олидидан ўтётганимда кўнглимини бир хижиллик коплади. Чунки бу ерда кадрлар кўнимизлиги мавжуд. Нега энди болаларимиз ҳали у, ҳали бу боғча тарбиясининг кўлида тарбияниши керак? Эртага ўзимнинг набираларим ҳам шу ерга келишадими? Шу каби саволлар хеч тинчлик бермасди. Елиб-югуриб шу боғчани «Кўнгироқча»нинг филиалига айлантиридик. Сўнг махалла фаоллари ва ота-оналар билан сұхбатлашиб, уларнинг фикрлари билан қизиқдим. Боғча таъмирдан чиқарилиб, ходимлар жой-жойга кўйилди. Тилида нуқсони бор болалар учун логопед дарсларини ташкил этдик. Давр талабига жавоб берадиган дараражага етказиш максадида ушбу боғчада кўпигина ўзгаришлар амалга оширилди.

Маслаҳатидан тўй тарқамас дейдилар. Маслаҳатчиларнинг атрофида ҳам донишманд, эл ичада обўю қозонган, махалла кайвонлари бор. Маслаҳати уларга суннади, мадад олади ва бу қувватдан ўзгаларни ҳам баҳраманд иштиглаш ҳаракат қилади.

Хонимбуви ВАЛИЕВА, Дўстобод шаҳридаги «Кўнгироқча»номли мактабгача тълим мусассаси мудириси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати:

Нигора РАХМОНОВА, «Оила ва жамият» мухбири.

ҚАРЗ

ҚИЁМАТГА ҚОЛМАС


Маълумки, инсон ҳаётининг асосий қисми мулкий масалалар билан боғлик. Яшаш учун ўй-хой, автомашина, ер участкиси, бандағи пул маблагларни ва ҳоказолар ҳам шулар жумласига киради. Ҳар бир шахс ўз тарсифида бўлган ушбу мулкларни ўзи хоҳлаган инсонга қонуний васиятнома орқали расмийлаштириб бериш хукукига эга. Қонуний васиятнома, яни нотариал идоралари томонидан расмийлаштирилган хоҳжал ҳаса ўз вақтида қарзга берилган маблагни ўз вақтида олоп-маслик оқибатлари сарсонликка, баъзи ҳолларда ҳатто фохеага ҳам олиб келади.

Бундай ноҳуш холатлар юзага келмаслиги учун, қарз бериш ё олишида албатта расмийлик зарур. Сабаби, нотариал тасдиқланган қарз шартномасида қарз берувчи ва қарз олувланинг хукуқ ва маҳбубиятлари, қарзни ўз вақтида тўламаслик оқибатлари ўз аксими топади. Агар қарздор ўз вақтида қарзни қайтармаса, нотариус ижроатида ишни олишида кафолатди.

Тўғри, юкорида айтилганлар ҳаммамга маълум гапга ўйшайди. Аммо шунга қарзмай, фуқаролар ўтасида тез-тез учраб турадиган мулкий муносабатларга оид яна бир низо — қарз олиши ва қарз бериш ҳолатига доир кўплаб муносабатларга келиб чиқаётганинни сир эмас. Аслида, қарз олиши ва қарз бериси ҳалқимиз орасида азал-азалдан мавжуд. Муҳтоҳ инсонларга кўмак бераби, моддий қийинчилидан холос этиши милий қадрларимизга хос эзгулик ифодасидир. Шунинг учун ҳам давр талабидан келиб чиқсан холда, қарз олиши ва қарз берувчи қонуний ҳужжатлари асосида тартибиа солинди. Бу эса ҳар иккага томон учун бирдек қулийлик яратди. Агар қарз олиниётган пул энг кам иш хақининг ўн баробаридан ортиб бўлса, қарз шартномаси оддий ёзма шаклда тузилади. Яъни, қарздор пулни олганлиги ҳакида ёзма тил-

Бобоқалонимиз Амир Темур «Қаерда қонун устувор, ўша ерда адодат хуқмдордир», деганларидек, фуқаролик муносабатларига оид ҳар кандай ҳолат қонуний расмийлаштирилиши максадга мувоғикидир.

Абдулла БОЛТАБОЕВ, Тошкент вилояти Зангиота туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус.



«ТОГЛАР ЙИГЛАСА ҲАМ, ОНА, СЕН ЙИГЛАМАГИН!»

Қодир бахшига бағишилор

Аё биродар, тинглагин бир бор, буни бир билганинг, назарга илганинг яхши, ўзбекнинг ўзига беклиги, неклиги – унинг тўқсон икки бовли уруп-аймоғидан, асал-каймоғидан. Тарихи болу парли, авра-астарли, бели боғли, ола қалтоқли, ўзи полвон, сўзи половон, туриш-тумруми орли, оҳорли. Ҳаммасидан Кўнғирот – турган-биттани баракот. Бойчичор билан түгиглан, ганим билан сўйиглан. Бир оти – Орият, сөхру синоат. Бахшиси мўл, яхшиси мўл, термакишик, достони кўл, армони кўл. Ишонмасанг, ана Алломиши гувоҳ, Барчин чечча гувоҳ, кундуз-кеча гувоҳ. Ойи куёши ботмас, дўмбира илиннинг ўйда ётмас. Ҳайқириб даврада кураш тушмаса, бир-икки кўл дўмбира чеरтиб нолиш кильмаса, эглиб ўтвога, от миниб товга чикмаса, кўнғиротман, асл зотман демас. Пушаймони бўйлар қоп-қоп, эмас лоф. Ўх-хў, бир ёғи Ҳисортоғ, бир ёқ Кўхитанг, бир ёғи Ғузор, нареди Бойсун. Санамтара кизлар рўмолини ёйсин. Аллар юрти, голиблар юрти. Бахшили эл – туфма ботир эл асл Кўнғирот.

Омон-омонда, Деҳқонбод томонда, бир нурпос, чош-чош кунда Чалиқа деган овулда, Абдураҳим полвон билан Норхол келининг пок-покиза никоҳидан йўйбаср босасидай ўғил түгилганида, ота-онадан тортиб, эл-элат, еро осмон, адиру тоғнинг, ям-яшил сойнинг, пасту баланд жойнинг, хамма ёғи қукирлаб кувонгани ўтрик эмас, рост. АЛП ЭНАДАН, дерлар. Тулпорни ҳам бия туккани бор гап. Норхол келин мисли келинӣ эди. Келинӣ, келинӣ, дейишади, Зулфини шамол эшади.

Тунда эндан алл ўғил түгилганида,



Суратда: Қодир бахши (ўнгда) Ўсар бахши Эркаев билан.

хар ўйда илганинг тұғдан дўмбирарада ўз-ўзидан янгрок садо берганинг ким ишонмайди? Гўдак кулогига айттилар азон: «Ла илоҳа иллалло», осмон гувоҳ, ер гувоҳ. Ислим жисмига мос Абдуқодир бўлсин, Оллоҳнинг кули. Манглайига берсин, манглайига берсин!»

Омоннинг таги тўла фаришта, Фаришталар келар эмиш ҳар ишга, Оз берса ҳам, кўп берса ҳам ўзидан, Осмон берар, ер килади саришта...

Яна бир гап, эмас бесабаб: қиз аммага, ўғил тоғага тортмагани бўлмас. Такдир деганидан кутулиб бўлмас. Тоғала-

ри, боболари эна тарафдан етти пушти бахши шоир эди Қодирнинг. Кўнғироттага кун тукъян-да, юлдуз тукъян-да. Устоз бўлди Раҳаб бахши ҳам Умир Сафар. Устоз айтган достон-күшик, кетмас бесамар. Оллоҳ ўзи берган куввана ҳофиза, нақ оҳанрабо. Эшиттани ёш бўлар қалба. Юз достон эшитса, юз фоиз муҳрланинг қолар хотирга. Ва лекин беш ёшида бевафо дунёни, отажонин колиб кетар багридан. Жангоҳлардан қайтмади Ота. «Номалум аскар». Алҳазар, Норхол эна фарёдида мунг эди, Қодир бахши нағмасида мунг эди...

Не баҳтки, Қодир бахши Абдураҳим ўғли чорақ аср давомидан шундай баракали ижод қилди, уни таърифтавсиф этишга қалам оҳизлик қиласди. У баъни тенгис чавандоз каби ҳамиша улоқ тақимида бўлганинг рост. Бахши камолот останосига еттучча тинимисиз изланди, ўқиб ўрганди. Бухоро педагогика институтида таҳсил олиб, мактабда муаллимлик қиласди. Достончилик, бадиҳағулийн маҳоратини кун-бакун ошириб-тошириб борди. Шеробод мактаби асосчиси Шерна бахши анъанавий достончилигидан катта сабоб олиб, 70дан ортиг достонларни ёд одди. Ўзи ҳам «Норгулой», «Ойша», «Эшкора билан Дўсткор», «Ойчинор» каби 10дан ортиг достон ёзди. Унинг сермаҳсул ижоди маъно-мазмуни, асл моҳиятини мамлакат миқёсида рўёбга чиқаришда фидойи фольклоршунос олимлар Абдумурин Каххоров, Малик Муродов, Абдуолим Эргашевларнинг хизматлари бекиёс. Қодир бахши «Қашқадарё Ҳомери», «Юрт бўлбули» деб тан олинганинг маҳалла шархи, 1974 йили Моск-

вада ўтказилган ҳалқ ижодиётини Халқаро кўрик-тандловида ва 1979 йили Парижда ўтган III Ҳалқ ижодкорлари фестивалида совриндор, 1980—1982 йилларда Ташкентта Алмати шаҳарларидан бўлиб ўтган ҳалқаро миқёсдаги бахши-жировларнинг анжуманларида шоҳсугуна қутарилиган. У анъанавий достон ва термаларни айтишдан ташкари, юздан ортиқ гўзал термалар, эллиқдан ортиқ нағис дўмбира куйлар ижодкори ҳам эди. 1980 йилнинг бошида Қодир бахши экран орқали «Тоғлар йиғласа ҳам, она, сен йиғламагин-термасини дўмбира жўргилига шундай жозибали оҳанг билан кўйлаган эдики, нақ экраннинг ўзи қалтираб, титраб кетгандай бўлувди. Она ҳақида бундан ошириб кўйлаб бўлмайди, азизлар!

Минг афсуски, Қодир бахши айни ижодий камолот палласига етган пайтда 1986 йилнинг августида 49 ёшида бевакт дунёдан ўтди. Шукурки, унинг кўлидан тушган дўмбираси уйи тўрида осилиб қолмади. Отаси кўрмаган кунларни, кўрграгига такмоқ насиб этмаган юксак «Ўзбекистон ҳалқ бахши» унвонларини тақиши, олиқи раҳматларни эшитмоқ айни истиқолол йилларига келиб унинг фарзандлари Абдуқаҳҳор бахши, Абдумурод бахшиларга насиб этди. Баҳодир бахши, Баҳром бахшилар ҳам супола давомчилиариди.

Бир замонлар дунё ахли назарига тушган улуғ иқтидор эгаси Қодир бахшининг издошлари, шоғирларни бугунги кунда жуда кўп. Улар орасида етти ёшида устозининг этигадан тутиб, «қўл олган» сурхондарёлиқ Шодмон бахши алоҳида эътироф этишга арзиди.

...Ватан, нон ва туз – Энасуз. «Ал-помиши» – энг озод қўшиги. Байту баҳодирлик қўшиғи. Ватанин асраромок, имон қўшиғи. Уни Қодир булбул айтди, кўп айтди. Хўб айтганин билали ҳамма. Унинг дўмбираси тушмagan кўлдан. Тўрт ўғил хўй-хўйлаб айтга берса мўл, Ватан қўшиқларга танлади буткул. ҚўШИҚ АСРАР ВАТАНИИ!

Фози РАҲМОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси

УСТОЗ, ДЕБ ТАЛПИНАДИ...

XXI асрни техника, тараккиёт асрни эканлигини таъкидлашдан чарчамаямиз. Тўғрида, бундан кўп эмас, оз эмас, 25-30 йилча бурун «Ўзбекистонда машина ишлаб чиқарилади, ҳар ҳовлида ҳатто иккиталаб техника бўлади, ўйда ўтириб, керак бўлса хув олис Япония билан гаплашасиз», дейишса, эртакдай түяларди. Жуда киска муддат иди, яны бор-йғи 18 йилда ана шу афсоналар ҳақиқатга айланди.

Дунё кўрган машҳур олим, ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, фан доктори Сарвар Қодирининг эса юкоридан бис алоҳида таъкидлаштган юксалиш йўллари ҳақида ўз фалсафий карашлари бор.

— Бизнинг юрт ҳақида гап кетса, бежиз “тупроги олтин” деган ибора ишлатилмайди, — дейди домла ижодкорларга хос оҳангда. — Каҳаналаб хорижий мамлакатларда бўлдим. Айниқса, ўшлигимдан қаттик, меҳр кўйган ва шунинг орқасидан обўр-этиб-бор топган техника, автомобиль ва тракторсозлик соҳасига оид янгилик-ўзгаришларни таҳлил килиб, ўйга толаман. Чунки республикамида 1996 йил биринчи «ЎзДЭУ» автомобильлари чиқ бослашагина, кўшиларимиз орасида айрим, узоқни кўра олмаган экспертилар ўзларича «Бу-

ларни кўпга бормай қарзга ботиб қолади» деган башоратомуз гапларни ҳам айтишган эди. Лекин ўтган 14 йил мобайнида бу номдор компания бошқа худудларда турли хил инциролларни бощдан кечирган бўлса-да, аксинча, бизнинг мамлакатимизда улкан мувфақиятларга эришиди. Яқинда эса автомобилсозлик саноати билан боғлиқ хорижий компаниялар ўртасидаги рақобат таҳлил этилганида бизда ишлаб чиқарилаётган машиналар рейtingни кескин равишда ошганинг эътироф этилиди.

Бу ниманинг маҳсулни? Энг аввало, истиқолол шарофати, коловерса, Президентимиз раҳамолигида изчил ва узоқни кўзлаб олиб бориляётган улкан ислоҳотлар мевасидир. Хеч муబалагасиз айтишимиш мумкин, бугун ўзбекистонимиз дунё автомобилсозлик саноатидаги ҳам ўз нуғузи ва ўрнига эга давлат сифатида тан олинмоқда.

Сарвар Қодиров билан бу мавзуда баҳлашибин анча мушқул эканлигини у киши билан елкама-елка ишлаган номдор олими зиёлилар, шу соҳага веосита даҳлор мутахассислардан кўп эшиттанимиз. Шу боис бўлса керак, унинг “назарияда ҳам, амалиётда ҳам чин маъно-да ўз мактабини яратади олган” иди алоҳида урғу берилади.

Яхшиси, домланинг “Умр дафтари”га битилган айрим ёзув-

ларни ўқиблик-чи: “...Отаси Муқаддир ака уруща ҳалок бўлган. Онаси Ҳожияну ая беш нафар етим фарзандларни сабур матонат билан вояга етказган. Улар орасида Сарвар ўзининг илмга чанқоқлиги, айниқса, техникага меҳри бўлакалиги билан ажраби турарди. У мактабни, сўнгра институтни муввафқиятларга тутагач, Москвада номзодлик, Ленинград(хозирги Санкт-Петербург)да докторлик диссертацияларини муносиб ҳимоя килган. Ўзбекистонда техникага оид “Автомобилъдвигателлари” деб номланган илим дарслек китобини ўзбек тилига ўтириб, чоп этирган. Кейинчалик эса яна тўртта дарслек-кўлланмалари, луғатлар ҳам яратди. 2007 йили унинг ташаббуси билан ҳаммуллилиқ Москвауда чоп этилган “Автомобилъдвигателлари” дарслиги бугунги кунда катор олий ўқув юртларида ўқитилмоқда. У Нью Йорк, Халқаро мундаклар ва информатика академиялари аъзоси, дунёнинг машҳур кишилари номи зикр этилган энциклопедияга кирилтилган.

Ташкент автомобиль йўллар институтига ўн йил раҳбарлик килган даврида эса бу даргоҳнинг нуғузи янада ошиди. Олий талим тизимида ишлотилардан кўфишиларни ўтсан Сарвар Қодирининг ташаббуси билан республикада илк марта “Икти-

дорли талабалар факультети” ташкил этилди. Унинг раҳбарлиги остида 12 фанномзоди, 3 нафар фан доктори ўз илмий ишларини ёқлаган...

Сарвар аканинг хаёт ўйлига айланниб кетган автомобилсозлик билан боғлиқ ҳар қандай мавзу тилга олинса, муболагасиз айтиш керак, у киши жўшиб, ёниб сўзлади. Шу боис бугунги кунда ҳам институтнинг “Автомобилъдвигателлари” кафедрасида таҳсил кўраётган шоғирларни талабалар устоз, деб талпиди, йўл-йўрик, маслаҳат сўйлади.


Сал кам эллик йилдан бери олий талим тизимида баракали, факультетида шоғирларни ташкил этилди. Унинг ташаббуси билан автомобилсозлик билан боғлиқ ҳар қандай мавзу тилга олинса, муболагасиз айтиш керак, у киши жўшиб, ёниб сўзлади. Шу боис бугунги кунда ҳам институтнинг “Автомобилъдвигателлари” кафедрасида таҳсил кўраётган шоғирларни талабалар устоз, деб талпиди, йўл-йўрик, маслаҳат сўйлади.

Сал кам эллик йилдан бери олий талим тизимида баракали, факультетида шоғирларни ташкил этилди. Унинг ташаббуси билан автомобилсозлик билан боғлиқ ҳар қандай мавзу тилга олинса, муболагасиз айтиш керак, у киши жўшиб, ёниб сўзлади. Шу боис бугунги кунда ҳам институтнинг “Автомобилъдвигателлари” кафедрасида таҳсил кўраётган шоғирларни талабалар устоз, деб талпиди, йўл-йўрик, маслаҳат сўйлади.

Бўлса керак, мен ҳам баҳол курдат юрагимни ўтаган, ҳайратта солған кўнғил кечинмаларимни коралаб кўйдирим. Уларнинг айримларини тўплаб китоб холидаги ҳам чоп этиридим, деб талпиди, йўл-йўрик, маслаҳат сўйлади.

Ўзининг етмишинчи баҳорини ёру юз билан кутиб олаётган устоз шаънга яна ҷанча савимий эътирофларни айтсак кам. Чунки Сарвар Қодиров нафқат жаннатноманд ортимизда, балки дунё миқёсида ҳам ўзининг бетакрор иқтидори, илмий салоҳияти, энг муҳими, илмуманзидаги фаномзоди билан номзодон қозона олган инсондир.

Дагар РАСУЛОВ,
फалсафа фаномзоди, доцент.



**Кимга аза, кимга...**

...Таъзияхона. Ёшгина фарзандидан фалокат туфайли ажраби қолган отана, яқин қариндошлар, таниш-билишлар ёқа чок этиб йигляяпти. Кўччилик сояга ташланган тўшкада ўтириб, тобут кўтарилишини кутади. Ҳамдадлик билдириш учун келәтган одамлар оқими бир зум бўлсиз тўхтамайди. Аммо ўтирганлар орасида уч-тўрт киши даврани бошига кўтариб, кечаги базмади, бозордаги нархнаводан, яна алламбалордан гурунг қилаяпти. Очиги, улар кўччиликнинг фашини келтираса-да, ҳеч ким дил ёриб буни айтолмаяпти. Ахийри, бир нуроний отахон чидаб туролмади:

— Укалар, бу ерда аза бўлаяпти-ку!

Кўча гурунгини кўчада килинглар!

Халигилар жим қолишиди, ҳамманинг елкасини босиб турган оғир тош кўчгандек бўлди.

Ярим тун, чинқириб йиглаётган бола овозидан сесканиб ўйғонаман-да, кўзларими уқалаб бакираман:

— Тур, онаси, набиранг ийглаяпти.

Хотиним уйку аралаш гудранади:

— Бу одамни жин-пин чалганми, нега шовкин кўтарасиз? Йиглаётган набиралими эмас, кўшиналарнинг боласи-ку!

Бироз сергакланиб қулоқ тутаман. Ростдан ҳам, йиги овози ўғлимнинг уйидан эмас, узоқдан келаётганди. Беихтиёр ажаб бир енгиллик ҳис қиласам:

— Хайрият, — дейман ўзимга ўзим, бутун хавотирим тарқаб, яна хотиржам уйкуга кетаман...

Юқоридаги икки ҳолатни бежиз келтирмадим, эҳтимол, ўзингиз ҳам кўплаб бундай воқеаларга гувоҳ бўлгандирсиз. Мақсадим – бирорвонинг кулфатига бепарволик манзараларини чизиш эмас, меҳринг манзилини топиш. Кeling, уни биргалашиб кидирайлик.

**«Ўгай» ўғил
қўлидаги пичок**

Тоғдан аёлининг икки акаси болалари билан меҳмон бўлиб келди-ю, Мансурнинг хузур-халовати йўқолди. Йўқ, меҳмон кутишдан кисинмади, уйида ҳамма нарса бор, мева-чева бисёр, семизигина бўрдоқи ҳам сўйи. Ҳамма машмаша меҳмонларни яқиндагина укаси фермер ҳўжалигининг даромади хисобига сотиб олган янги «Nexia» машинасида туман марказига айлантириб келганидан сўнг бошланди.

— Кўёв тўра, сиз ҳам фермерман деб керилб юрибсиз-да, меҳнатни сиз қилиб, мошинни укангиз миняптими? Азалдан отангиз иккевонгизни тенг кўрасди, мана, тагин «Nexia»-ни севикли ўғлига олиб берибди-да!

Ақаларининг гапига Гулнора ҳам пишсан берди:

— Ҳаммасига индамай кўнавергандан кейин, бу кишимни бирор назар-писанд қиласармиди?

«Ерни сув, одамни одам бузади», деб бежизга айтишмаган экан. Қарийб ҳафта мобайнида эшигтан иддаолари, хотининг акаларига қўшилиб камситиши Мансурнинг асабини таранглаштириди. Меҳмонларни кузатиш чоғида ширақайф бўлган йигит гандираллаганча ота ҳовлисига йўл олди.

Дарвазини тепиб, ҳовлига кириб келган тўнгри ўйлини бундай ахвозда биринчи марта кўриб турган Нормурод ака енгилга дақки бермокси бўлди:

— Хўрӯс бўлиб олибсиз-да, ўғлим?

— Мени ўғлим демант, — юйлини пахса қилид Мансур. — Узи қаҷон ўғил ўрнида кўргандингиз, мен сизга ўтгайман-да!

— Ундей дёма болам, — ота-боланинг даҳанаки жангига аралашди Ризвон момо. — Отангнинг энангдан бошқа хотини борлигини мен билмайман, сен қаёқдан олдинг бу гапни?

— Ҳаммасига сенгина ялмогиз кампир айбордсан, — умрида биринчи бор катта энсанни, ха, ха, ўша уни оқ юваб, ок тараган бувисини сенсиради шаробга ақлини олдирган Мансур. — Бир қарич ёшимдан уймини бўлаш қўлдирган ҳам, отамни қўймай укамга мосин олиб бердирган ҳам сен бўлмай ким?

— Момонгни сенсирама!

— Сенсирайман, керак бўлса ураман хам!

Нормурод ака ўзини тутиб туролмади, Мансурнинг башасига шапалоқ тортиб юборди. Момо баривир момо-да, ўзига гапиргани учун калтак еган набрасининг ёнини олди:

— Бўйинг баробар болани урма-еїй, курущаган кафти билан Мансурнинг юзини силади Ризвон момо. — Болам бир адашди-да, шунга шунчами?

танишим.

— Насиб этсин, ҳеч ками йўқ, шукрден.

Тўкин дастурхон бошида ўтирибмиз, меҳмонлар сафи ортгандан ортари. Шу пайт даврадагилардан бирори:

— Қани тўй бола? Йигитнинг гулини бир кўрайлик, — деб колди.

Хонадон соҳиби ўтирган жойидан бақриди:

— Шерик! (эҳтимол, Шерзоддир ёки Шерматдир) Қани, бу ёқа кел!

Башанг кийинган 8-9 ёшлардаги бора чорпояга чиқиб келди-да, салом-алиқидан дараға йўқ, даврани кесиб, тўғри бобосининг ёнига борди.

— Бизнинг Шерик зўр-да, ҳақиқий үғил бола!

Кимдир чўнтағидан бир даста пул чиқариб, унга узатди:

— Мана шу амакини сўкссанг, яна пул бераман, — деди ёнидаги шеригини кўрсатиб.

Бола бироз иккиланиб турди, аммо бобосидан рағбат олгач, барадла сўки-

ташиси марказига олиб бордим. Бу ердагилар обдон текшириб, аёлларга хос касаллик борлигини аниқлашиб, тезда давлатишим зарурлигини айтишиди. Аёлмини вилоят тургужонасининг гинекология бўлимига олиб келдик. Олиг ойлик болани реанимация олиб ётишга рухсат берисиди. «Ўларнинг узоқкетиб қолмандлар, иложи бўлса шу якидан ижара хона топинглар», деб маслаҳат берди даволовчи ҳаким.

Вилоят тургужонаси ёнида нима киларимизни билмай тургандик. Шу пайт ўтга ёшлардаги киши келиб, хол сўради:

— Бирон ёрдам керакми, ука?

— Хотиним оғир касал эди, боласи хали кўкракдан айримларган, яқинроқ жойдан ижаҳона тополмай хунобман.

— Шунга ҳафа бўлиб ўтирибисми, бизнинг ўй мана шу «дом»да, агар ёқса яшаб туринглар.

Фурқат ака билан шу тариқа ташишдик. У киши вилоят кўзи охизлар мактабида ўтиқувватлик килар, оиласи, ўғил-қизлари билан учича қаватда яшаркан. Ҳоналарнинг энг шинамини бизга кўрсатиб:

— Мана шу хона сизларнига ошига мимо, — деди Фурқат ака. — Бемалол кириб-чиқаверасизлар. Фақат бизнинг ойлада иккита қозон қайнатмайди, янгандига нима овқат тайёлрасиба, биргалашиб ёвверамиз...

Бу гапни ўзимча талқин этиб, бозорлик қилиб қайтдим. Фурқат ака кўлимдаги нарсаларни кўриб сурди:

— Ниманинг ташвишини қилиб юрибисиз, ука?

— Озроқ мева-сабзавот, гўшт олиб келгандим.

— Яна бир марта озиқ-овқат кўтариб келсангиз, ҳафа бўламан. Бир коса овқат кимга етмайди? — деди у киши.

Қарийб бир ойча шу оила аъзосига айланниб яшадик. Фурқат ака, янгамиз, фарзандлари биз қатори ташвиш тортисди. Ниҳоят, келинингиз шифотиби, касалхонадан чиқди. Ўша кунги бу савобталаб акамизнинг ўйдига ўзгача тайёргарлик кўрилди. Тўкин дастурхон бошида ўтириб, хонадон соҳибарига қайта-қайта раҳматимизни айтдик. Ижара ҳақи ҳақида сўз очишга ўзлдим, ахир бу оила бизга кўрсатган меҳр-муруватни пул билан баҳолаб бўлмасди. Лекин оламнинг маслаҳати билан кўрпачанини остига 150 минг сўм тиқиб кўйдим. Бу ишни ҳеч кимга сездирмадим деб ўйлагандим, кеърда, Фурқат аканнинг кенжা қизи қўриб қолиб, отасига айтиби.

Хонага қайтиб кирган Фурқат ака кўрпача остидаги пулни олдида:

— Бу нима? — деб сўради.

Қандай жавоб қайтариши билмай каловланиб турдим.

— Дамғарчиларни пул билан ўлчаб бўлмайди, ука. Бугун мен сизга озигина меҳримини бериман, эртага у менга кимдантир қайтади. Шунча кун туз-намак бўлдик, кўйинг-э, ҳамкасб, чўлдан яшигина уча топдим десам, сиз бундай қилиб турибисиз, пулнингизни чўнтағингизга солинг...

Утадан дув қизарип минирладим:

— Сизга катта раҳмат, отамдек босимни силадингиз, лекин...

— Лекин-пекини ўйқ, ана энди ҳақиқий ака-ука бўлиб қоламиз...

Ўшандан бўён Фурқат аканнинг хонадон билан борди-келди қилиб турасиди. Тўй-мавзакаларимиз бир-биримизиз ўтмайди. Ана шунақа гаплар, устоз, ҳали меҳр-оқибат ўтмаган, унинг манзили ҳам бор — яхши одамларнинг кўнгли!

Муҳтор хикоясига шундук якун ясади. Англаганинг шу бўлдикни, меҳрнинг ҳам, оқибатсизликнинг ҳам манзили аниқ — у сизу бизнинг қалбимизда яшайди, унинг ургунини урчиши ҳам, илдизига болта уриш ҳам ўз кўлимида.

Абдунаби АБДИЕВ,
Қашқадарр вилоят
Миришкор туманинаги
22-мактаб директори.

**Сўконғич набира**

Яқинда бир таниши намбрасининг туғилган кунига тақлиф қилиб қолди. Масофа узоқ бўлса-да, ошна-оғайничилик хурмати, дўйстларимдан бирининг ёнгил машнинасида ўтила чиқди. Таниши намнинг шинамгина хонадони, дарвозанадон кирганданоқ икки қаватли ўй кўзга ташланади. Ҳовли ўтила саланди. Чорпоя. Устига сабон ўтила тилган. Ёғочларига ўймакор нақш туширилган, остин шарқирав суб оқаяпти.

— Мана бўзига кунига вайронана, — бироз мағтабиган оҳонгда йўл бошлади

ниб юборди: «Ҳе, онангни...» Даврадагилар гур этиб кулишиди.

— Бизнинг Шерик каратист, унча-мунча одамни уриб ҳам ташлайди.

Бобо шаробга ақалини олдирган, шекилини, яна анча пайттacha кар-карлаб ўтириди...

Энди бироз мулоҳаза юритиб кўрайлик, мурғакина ёшидан «амакинг сўк», «акангнур», «уқанғи йиқит», қабилидаги бўйрӯкларни бажариб, вояға етган бола кейинчалик бошқалардан устун бўлишига, ўз сўзини ўтказиши ўрганиб қолмайдими? Натижада, ука акан, сингил опани менсимаслик даражасига бор-маслигига, орадан меҳр-оқибат кўтарилиб-маслигига ким кафолат бера олади?

Одамгарчиллик пул билан ўлчанадими?

Мактабимизда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берадиган Муҳтар Пардаев хикояси:

— Одамлардан меҳр-оқибат кўтарилини деб ўйлагандар жади қолади. Ўзбекчилигимиз бир-биримизга меҳр-муҳаббатимиз билан гўзал. Бундан беш-олти йил мукаддам бошимга ташвиш тушди — биринчи фарзандимиз ҳали чакалоқлигига келинингиз касалланиб қолди. Вилоят

ДУШАНБА 1**О'zbekiston**

Профилактика муносабати билан
1 марта куни
«O'zbekiston»
телерадиоканалини
ўз кўрсатувларини
соат 14.55дан бошлиди.

14.55 Кўрсатувлар дастури.
 15.00 «Галилинома».
 15.40 «Ватанларвар».
 16.20 «Умр дафтари».
 16.40 «Иккى дарё оралигида».
 17.00 «Ахборот».
 17.10 ТВ - анонс.
Дастлаб, генетик ахборотларнинг йирик манбаси бўлмиш жиҳатлар — насл сурувчи касалликлар текшириларди. Шундан сўнг ДНКдан қариндошлик белгиларини аниклишағояси туғилди. Кейин эса бу текширувлар янада мумкаммаллаштирилди.

Хўш, бугунги кун генетик таҳлили ўзида нималарни мужассам этган?

Инсон ДНКси — уч миллиард кон таначаларидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар 200-300 тасидан бири бошқаларидан кескин фарқланиб тураркан. Чунки одамлар қанчалик турли-туман бўлишмасин, лекин барчаси барibir одам-да! Содда қилиб айтганда, агар буз ДНК таначаларини кўп кўзли светофор деб тасаввур кўпласа, уларнинг ҳар бирида камиди иккитадан «кўз»нинг бошқаларга нисбатан ёрқинроқ эканини кўрамиз. Уларнинг

мазкур масала юзасидан кечак-ю кундуз маълумотлар бериб борилса, албатта, тушунчалар орасида фарқ катта бўларди-да!

Масалан, Россияда ҳар йили 10 000 тагача генетик таҳлил тадқиқотлари ўтказилса, АҚШда бу кўрсатки 300 мингдан ошаётгани бунинг исботи эмаски?

Тан олмай илож йўк. Бугунги кунда бир пайтлар оталини бўйнига олмаган бойвачча «дада»лардан нимадир ундириб олиш максадида бундай таҳлилдан ўтиш учун елиб-югураётган «болалар» етарилача топилади. Шунингдек, бъязи аёллар алимент ундириши ниятида, бъязилари эса фарзанди кимдан (эркакнинг қай биридан) бўлганини аниқлаш учун ҳам ДНК текширувига келадилар. Энг қизиги, кўпчилик эрлар ҳам дилига гумон орагандан ўз фарзандини ДНК текширувидан ўтказиши фақатгина кинолардаги гап эмас. Бъязи аёллар ҳам, аксинча, эрида-

кулаб, хотиржам тортади ва «Демак, ўзимнинг болаларим, ҳақиқатан ҳам, ўзимни экан-да», дейдай. Эркакки ўзига эса қадар ишонмаса... дейишингиз мумкиндири. Аммо нега шундай?

Руҳшуносларнинг таъкидлашича, бунга асосан эркакларнинг ортиқа рашичилиги, ҳадеб шубҳа-гумонларга берила-вериши, турли гийбат ва миш-мешларга лакжа тувиши сабаб бўларкан. Бу хусусиятларнинг барчаси эса уларнинг ўзини ўта севиши, такаббурлигидан куч олиб, ўсигб боравераркан.

Беихтиёр ўйга толасиз...

Майли, никоҳсиз (ё никоҳли) туғилган боланинг отаси ким эканлигини таҳлиллар, суд, медицина экспертизалири исботлаб берга олар, бу қалтис масалада ким ҳақ, ким ноҳаклиги очилар, фош бўлар ҳам. Аммо... Аммо асосий жабр кўрган томон барibir болалар бўлиб қолаверади. Ахир, «Отан сенга бегона!» ёхуд «Мен сенинг отангмасман!» деган жароҳат улар қалбидан бир умр сим-сим оғрик бўлиб қолмайдими?

Нима бўлганда ҳам одамларга инсофтилалигини, улардан ҳеч бўлмагандан ҳолаларга нисбатан бу қадар жабр кимаслигини сўрганинг келади.

P.S (Биринчи мактубнинг давоми)

«... Тақдиримга тан берган бўлсан-да, барibir онамдан отамнинг исм-шарифи ва яшаш манзилини суриширишдан тўхтамасдим. Ахйри, онам отан билан ёзишган севги мактублари орасидан унинг миттигина суратини топиб берди. Суратдаги киши кўзимига жуда таниш туюлди. Балки отан билган учундир?

Хуллас, излаган одам барibir топаркан. Мен ҳам ниҳоят отамни топдим. Отам билан сухбатимиз оғир, жуда оғир кечди. Ахйри бу азобга чидашга бардоши етмади: «Ишонмасангиз юринг, қонимизни таҳлилдан ўтказайлик», дедим унга.

— Мен бормайман, — деди у киши. — Агар борсам, демак нимадандир шубҳанаётгандан бўламан. Менинг эса ҳеч қандай шак-шубҳам йўқ: мен сенинг отанг эмасман!

Бу гапларни айтиётганда унинг худди менини каби катта-катта кўллари титравётганда, худди мениникед гўштдор бурнининг устини қолпаган реза-реза терни кўрдим. У мен билан хайрлашаётб, «эсадлик учун» деб, яқинигина чоғида топти. «Муҳаббат агаддай!» Китобига эмас, унга қадалиб, балки сўнгти бордир, термулиб қолганимни кўриб, қўзларини олиб кочди ва хижолатни жилмайтиб кўйганида унинг ёнокларидан пайдо бўлган худди менини каби куличига термудим.

Мен у кишига: «Агар фарзандингиз бўлмассан шундан шу ёқса сизни излаб келармидим?» дегим келди. Аммо индадим. Мен учун энди бунинг аҳамияти қолмаган эди. Мен энг тўғри генетик таҳлил — бу одамнинг виждона эканлигини тушуниб етгандим».

Дилфуз Қўзиева.

ОДИЛ ҲАКАМ ВИЖДОНДИР

ДНК билан илк танишув (учинчи мактуб)

«Отамни қандай топишини билмасдим. Кечалари юм-юм йиглардим. Машхур бўлиб кетиб, расмларим газета ва журнallarda, ўзим телевизор экранларидан пайдо бўлишини орзу қўллардим. Ана шунда, деб ўйлардим ўзимча, отам мени кўзумидан, унга икчи томхи сувдек ўхшашимдан, ҳамма синни тушуниб етди ва мени излаб келди, деб ишонандидим.

Балки шунинг учундир, гўёки отамни кўриб коладигандек телевизордан кўз узмасдим. Буни қарангки, телевизор менинг отамини топиб бермаган бўлса-да, илк бор «Оддий Мария» сериали орқали «генетик таҳлил» деган нарса борлигини унинг нима эканлигини чала-чулла тушуниб етгандим. Демак, отам иккализни топишириши мумкин бўлган яна борса — бизнинг ташки кўриниши миз ўхшаш бўлиши мумкинлигидан ҳам мумхим жиҳат — бизнинг қонимиз экан!»

Дарҳаққат, собиғ шўро даврида, янын 90-йиллар бошида Россияда илк бор генетик таҳлил килиш хизмати фаолият кўрсата бошлаган эди. Аммо анча вақтгаunga ташлаб бўлавермаган. Факат Мексика сериаллари оқимига йўл очилганидан кейингида содда одамлар сериали қархамонлари томонидан бот-бот тилга олинмиши ДНК таҳлили аслида нима эканлигини кизиқа чиқаришини яна синаб кўришиб максадида бир бегона болакайнни олиб келиб, ўзининг фарзанди сифатида текширувдан ўтказади. Боланинг отаси у эмаслиги тасдиқланганчигина елкасидан тарзар деб билишаркан.

Икки отадан туғилган эгизаклар

Чет эл шаҳарларидан бирига ДНК таҳлилига бир ота эгизак фарзандларни ишлаб келади. уни эгизаклар бъязидан бир-бирига мутлақо ўхшамаслиги ҳайрон қолдидради. Буни қарангки, таҳлил натижадан ёқа шулайидилар.

Бу нимаси? Табиатнинг хиёнини фош этиши умасми? Қолаверса, яна бир кизик жиҳатни тилга олмай илож йўк. Кейинги пайдада генетик таҳлил ўтказишнига мутлақо мутлақо ўхшамаслиги ҳайрон қолдидради. Буни қарангки, таҳлил натижадан ёқа шулайидилар.

Бу нимаси? Табиатнинг хиёнини фош этиши умасми? Қолаверса, яна бир кизик жиҳатни тилга олмай илож йўк. Кейинги пайдада генетик таҳлил ўтказишнига мутлақо мутлақо ўхшамаслиги ҳайрон қолдидради. Буни қарангки, таҳлил натижадан ёқа шулайидилар.



Ишхонамида кунора мажлис. Соатлаб бошимиз катади. Мажлис... Мажлис... Яна... Хафтанинг боши, хайитнинг эртаси эди. Соат ўнларда, одатдагидек, хамма ходимлар раиснинг хонасида мажлиса йигилдик. Кун тартибидаги масала хам ҳар галидай: эртанги тадбирга ҳозирлини кўриш ва бошқа майдай-чўйда ишлар.

Оромкурсида савлат тўкиб ўтирган раисимиз паст овозда (ѓёу шундак қылса сўзлари ҳаммага бирдай тасъир қиласидандай) сеқин-секин, чўзиб-чўзиб, бавзуда эса узиб-узиб гапиради. Биз ҳам уни астойдип тинглаётгандай бошимизни қимматлиб кўярдик. Айримларнинг кўлида қоғоз-калем, нималарнидир ёзиб ўтириби.

— Бугунок ҳамма нарса таҳт бўлсин. Тағин раҳбарларнинг олдидаги нокулай ахвода қолмайлик. Ҳаммага тушинарларим!

Бизлар тасдиқ мъносидаги бошларимизни лиқийллатамиз. Шунда бирдан унинг авзой бузилди:

— Тарғибот бўлимидағи Мўминов ҳани?

Буни қаранг, боядан бери шу одамнинг бор-йўклигини пайқамбиз. Бу саволдан ҳамма сергак тортиди. Бирок ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Тезда ҳайфсан тайёрлаб, ойлигининг ярмини кесиб ташланг, шунда билади мажлисда катнашмаслиниш...

Шу пайт котиба қиз хонага ҳовлини кирди.

— Нима гап?

— Маҳмуд Қодирович, ҳозиргина қалонадан кўнироқ қилишиб, Ҳусан Мўминовични машина уриб кеттанишиш.

— Нима-а? Тирик эканми, қайси шифоҳонада экан?

— Сўрамабман.

— Сўраш керак, тезда телефон қилиб ахволни аникланд. Тушунарлами?

— Хўп бўлади!..

Раис мажлис кун тартибидаги масала га қанчалик этиబоримизни қаратмоқчи бўлмасин, хонада Ҳусан аканинг ахволи борасида фўнғир-ғўнғир, шивир-шивиirlар бошланганди. Ҳаёлимга ўтган ҳафтадаги воқеалар кела бошлади. Ўша кунги мажлисада раисимиз ҳозир гап кетаётган одамни юзинг-кўзинг демай, кўпчиликнинг олдидаги «Бўшнган», маstryулиятсизсан, ташкилот ишларини орқага тортаётсан», деб роса савалаганди. Балки шунга бечора ўксиниб, ҳаёл келайдан бўлса, машинани кўрмай қолдимишкан! Йўғ-э, у бунака гапларни ҳафтада бўлмасаям, ойда бир-икки эштаверб кўнишиб кетган. Тавба, одам деганам шунчалик содда, бўш бўладими? «Раҳбар бўлсанг ўзингга, олсанг ишинингни оласан», деса куни ўтмай қолариди? Аслини олганда-ку, кўп оғирлик шу кишининг зиммасига тушишини ҳамма биларди. Ҳатто раисимиз катта минбарлар-

да савлат тўкиб ўқийдиган берадиган пурмашно нутқларни ҳам шу киши ёзиб берарди...

Бир муддат вақт ўтиб, котиба яна берухсат кириб келди. Бирок унинг бу саварги ҳолати аввалгисидан баттар эди.

— Аниқладингизми? Нима гап?

— Ҳусан ака... ўлиби!

— Нега? Қандай қилиб?

Кути ўчган раиснинг саволларига жавоб котибанинг узун кипприли думалоқ кўзларидаги ёш қалқиди.

— Э, худойим, — деди кимдир.

Сўнг юзларга бирин-кетин фотиҳа тортилди. Раиснинг эса дами чиқмас, тадбирни таҳминни тушга кириши бехосият бўлади.

Аёлларга ҳам гап топилди денг.

— Кечак тушимга ўлиб кетган қариндошимиз кириган эди. Бекорга эмас эканда, қаранг.

— Ўша қариндошингиз қанақа ҳолатда эди.

— Бу нима деганингиз?

— Ҳа, энди хафамиди ёки кулиб турганмиди, дейман-да.

— Буни аниқ эсимда йўғ-у, лекин негадир пўрим кийнган эди.

— Ҳа-а, ана, ҳакиқатданам сизга аён бўлибди, ўртоқкон. Ўзи, ўлган одамнинг чиройли кийимда тушга кириши бехосият бўлади.



МУКОФОТ МОЖАРОСИ ёхуд ўлмаган одам

Энди мажлисдагилар тилга кириган эди. Ўтган куни биргага ҳазил-хузил қилиб ўтирган эдиг-а, тавба.

— Эсизгина шундай одам-а, бироннинг дилини оғротиш у ёкда турсин, бир оғиз қаттиқ гапирмасди. Ўзи, яхшига кун йўқ экан-да!

— Буям ҳудонинг иродаси. Ҳар кимга ҳам шундай улуг кунларда ўлиш насиб этсин.

— Шундай дейсиз-у, лекин болаларига жаб бўлди-да. Яқиндагина катта қизини чиқарган эди. Яна икки қиз, бир йўли навбат кутиб турганди.

— Мен у кишига неча марта пиёда юравермай, машина олинг деб айтгандим. Ўша вақтда машинада бўлганларди ўзларига ҳеч нима қилмасиди?

— Э-э, кўйсангиз-чи, бунақа гапларни. Нима, машинада автоҳолкатка учраб ўлаётганлар камми? Ажал-да, сўраба келадими? Яна денг, оддигайна кўл телефони ҳам йўқ-ку, машинани гапирасиз.

— Ишқилиб, уриб кетган ҳайдовчини тутишганимкин?

— Қаёқда, унақалар қилғилини қилиб кочиб кетишида.

— Ҳозир «морт» дадир, пешинга чиқарига улгурисмаса керак. Асрарга кутамиз. Майитнинг эгалари кўнғироқ қилиб жанозага айтишар...

— Энди эртанги катта тадбиримиз нима бўлади?

Бу гап бош хисобидан чиқди. Раиснинг қовоқлари баттар осилди.

— Нима бўларди, бир-икки кунга қолдирмасиз. Ҳаммани огоҳлантиринглар. Мажлис томон, ҳамма иш-ишига.

— Эсизгина, қанча одам айтилганди, бунинг устига катталар келиши керак эди, — деди муовин ўрнидан тураркан.

Ҳакиқатдан ҳам, тадбирни ўтказиш бир ташвиш бўлса, қолдирин ўн ташвиш эди.

Тезда машумъ воеқа туфайли катта тадбиримизнинг қолдирилгани ҳакида ҳамма катнашувчилар, аниқроғи, катталарга етказилди.

Тушга яқин котиба қиз хонамизга ҳовлини кирди.

— Суончи беринглар, Ҳусан ака тирик экан!

— Ким айтди? — ажабланди шеригим.

— Ҳозиргина ўзим гаплашдим.

— Қаёрда, қачон?

— Боя телефон жиринглаб, гўшакни олсан, йигламсизраган таниш овоз, дардор танидим. Ишонсангиз, баданимдан соювчи тирик кетди.

— Ҳусан ака, ўзингизмисиз? десам, «Ўзимман кизим, раис борми, бўлса улаб беринг», деди. Шошганимдан нима бўлганини ҳам сўрамабман. Бироздан

ҲАЖВИЯ ЎРНИДА

сўнг бошлиқ чақирди, олдига кирсам, кайфияти расво, жиғибийрон. Ҳуллас, тушдан кейин ҳаммани яна мажлисга тўплашмиз айтдилар. Яна эртанги тадбир масаласи кўрилса керак.

Бу гапдан ҳаммамиз ҳангуманг бўлиб қолдик. Ахир, тирик одамни ўлдига чиқариб ўтиргандик-да. Воеқеаннинг тўлиғи тасфилотин билмасак-да, нима бўлганини ўзимизча таҳмин қила бошладик.

— Демак, ҳаммаси жойида, тадбир ҳам қолдирилмайди, — деб гап бошлиди бўлум бошлиғимиз. — Шунинг учун ўзларнинг билбили тайёр гарликни давом эттираверинглар.

Ҳуллас, ишлар яна жонланиб кетди. Бўлаётган тадбиримиз сўнгидаги ташкилотларда одатга айланган, яъни узок йилдан бўён меҳнат қилиб келаётган бир гурӯҳ ходимларга эсадлик учун фахрий ёрли топшириш кисми ҳам бор эди. Уч-тўрт киши келишиб, тақдирланувчилар рўйхатига Ҳусан аканинг номини ҳам киритиб, у кишига ҳам ўша фахрий ёрлидан биттасини ёзиб кўйдик. Нима, бир варақ қоғоз одамдан азизмиди? Шу билан уни бир курсанд килмокчи бўлдик.

Мажлис ҳам бошланди. Раис биз кутмаган алфозда, жуда асабий эди.

— Шуни деб эртанги тадбирни қолдириб ўтирибиз-а. Бу ахмок бўлса, ўлиши ҳам эпломабди.

— Ўзи, нима бўлган экан? — деди муовин.

— Нима бўларди. Эрталабдан ҳайитлик қилиб, азахоналарни айланаб юрганиши. Шуям гапми?

— Унда қасалхонада ўлган

ким экан?

— Ўзининг айтишича, кечак автобусда чўнтағидаги пули ва ҳуҷжатларини ўғирлатиб кўйибди. Киссовур ўша касалхонада ўлган одам, деб таҳмин қилинаётганди. Кап-капта одам, шуни эртароқ телефон қилиб, бир оғиз айтиб кўйса ўладими?

Шунда ўтиргандардан кимдир:

— Хайрият, энг муҳими, ўзи соғ-саломат экан, — деди.

— Бундан кўра ҳар нарса бўлгани яхши эди, — дэя гапирган одамни жеркиб берди раис.

— Катталар сенларнинг ўзи тайин-тутруғинг борми, дейишмайдими? Э-э, бўлганича бўлди энди. Бу гапларни йиғтишириб, ишга қайтайдик.

Раис тадбирга тайёр гарлигимизни ўзича бирма-бир назорат кила бошлади. Боя биз тайёрлаган фахрий ёрликларни кўздан кечирар экан, афти бирдан буришиди.

— Буни ким қилди? Сизлардан сўраялман, бу ақримидан чиқди? Нима, бир ўлиб-тирилди, деб фахрий ёрлик беришимиз керакми? Бугунги томошаси учун унга «выговор» тайёрлансан! Дардисар!

Шундай деди-ю, фахрий ёрлини кўкини йириб ташлади...

Алишер АЗИМОВ

НИКОХ АЛИФБОСИ

Авваллари аксарият келин-кўёвлар расмий никохдан ўтиши тартибига дэврили амал қилмас, ҳатто ўтала-рида иккича-чар фарзанд дунёга келганидан сўнгина югуриб қолишиади. Чунки бундайлар болаларга давлат томонидан ажратилиладиган ижтимоий нафака пуллари никохни қайд этилмаганларга берилиши мумкин эмаслигиги кейин англаб етишарди. Энди-чи?

Энг аввало, Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 25 августдаги қарорида белги-

ОИЛА ОМОНАТ ҚУРИЛМАЙДИ

лаб кўйилганидек, «Никохла-нуччи» шахсларни тиббий кўйидан ўтказиш сопна-соглиги ана, юз-кўзидан билиниб турбиди», деганлар тўйдан уч-тўрт ой ўтмасданоқ, қанча шифорларга мурожаат этишганига кўп бора гувох бўлдик.

Энди эса турмуш куриши остоносидаиди ҳар бир йигит-қиз томони келишса бўлди-да, тўйни бошлайверайлар, бир парча қоғоз учун ортиқча машашаша керакми», деган ўйда ўтиши табиий ҳолга айланниб қолди. Тўғри, айрим ҳолатларда тиббийчилар томонидан шартли равишда аниқланган хасталиклар бўлса, уларга даволанинг учун муддатлар берилади. Бунинг ҳеч қандай кўркунчли, хижолати тарафи йўқ, аксинча, ўшларнинг эртанги осойишта хаётни учун пухта заминидир.

Чунки оила таҳсилоти курилмайди ва ҳалқона иборада тайадиган бўлсак, «кудакчилик минг йилчилик» билан ўлчаниши ҳам бежиз

эмас. Шу боис шахримизнинг турил жойларida уюштирилаётган учрашувларда, шу жумладан, «Оила дорилғунни» машгулларидаги ҳам бевосита оила ва никох тушунчаларининг бекиёс аҳамиятини кўпроқ ёшлар орасида тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратапмиз.

Ирода ДАДАЕВА,
Тошкент вилояти
Бекобод шахар
ФХДЕ бўлуми
инспектори.



ОЛАМ ТОВУКЛИ ФАЛАБА?!

Хатто машхур спортчилар ҳам мусобақа олдидан, албетта, қандайdir иримларни амалга ошириб оладилар. Япон яккаураши бўлмиш сумо жангидаги ўзига хос ва антиқа иримлар мавжуд экан. Мусобақа олдидан бу хайбатли



курашчиларнинг таомномасида чўки мол гўшти умуман учрамайди. У факат товук гўштини истемол қиласди. Бунинг маъноси эса оддий, яъни чўки мол тўрт оёқли жонивор хисобланади. Товук табийикини иккι оёқки. Сумо чангидаги "тўрт оёқлаб" йўқилиб, маглубиятга учраб кўлмайин деб, факат товук гўштини ейишни маъкул кўраркан.

ЧАПАҚАЙЛАР ҚАЕРДА?

Сиз чапақайлар ҳақида жуда кўп қизиқарли маълумотларни биласиз. Аслида уларнинг нега чапақай бўлишларининг ўзи қизиқ ҳодиса. Тарихда ва ҳозирда ҳам чапақайлар орасида буюк шахслар кўп бўлган. Олимларнинг тадқикотларига кўра, чапақайлар иклимга ҳам боғлиқ экан. Яъни, совук иклим шароитида яшовчи одамлар орасида чапақайлар камроқ учради экан. Аксинча, иклим тобора исиб боргани сари чапақай одамлар сони кўлпайиб бораркан. Ўтказилган таҳлил ва тадқикотлар шуни кўрсатади, чапақайлар Россия ва Канадада уч фойзни ташкил этса, Ўрта ер денизига мамлакатларида етти фойз. Австралияда 26 фойзга етади. Буни қарангти, африкаликларнинг 50 фойзи,




яъни ҳар иккى кишидан бири чапақай экан.

Наргиза САРИМОВА тайёрлади.

«МОНЖЮ» РЕАКТОРИ ШАЙ

«Монжю» реактори 15 йиллик таъмирлашдан кейин ишга шай, дея маълум қўлди Японининг атом объектлари хафсизлиги бўйича ҳукумат комиссия-



си.

1994 йили Токиодан 320 км масофадаги Цуруга туманида 280 мегаватт кувватга эга «Монжю» реактори курилиши бошлиланган, бироқ 1995 йилнинг деқабрида ёнгин чиқиши туфайли ишлар тўхтаб қолганди.

Маълумотларга қараганда, экспериментал реакторни барпо этиш учун жами 800 миллиард иен (тахминан 8 миллиард АҚШ доллари) сарфланган. Курилма келгуси йилнинг апрель ойидаги ишларни режалаштирилмоқда.

ҲАФТАСИГА 252 МАРТА

Замонавий европалик аёллар ташки қўринишлари ҳақида бир ҳафта мобайнида 252 марта ташвиш чекадилар. Бу тўғрида Лондоннинг «Дейли Миррор» газетаси маҳсус социал тадқикотларга таяниб хабар тарқатган.

Ижтимоий сўровларга 35–69 ёшдаги аёллар жалиб қилинган бўлиб, уларнинг аксарияти асосан ортиқа вазн ва ахинлардан ташвишга тушар экан.

Психолог Эмма Кеннининг фикрича, Фарбда ташки қўриниши ҳақида қайғуриш касалликса айланниб колган. «Кўччилик ҳатто соғлом турмуш тарзидан воз кечиб, ёшлик эликсирини излашга берилиб кетган», дея таъкидлайди у.

КИТОБ УЧУН 1 МЛН. ДОЛЛАР

АҚШда ўтказилган кимошиби савдоларидан биррида Супермен ҳақидаги биринчи комикслар китобининг ноёб нусхаси



1 млн. долларга сотилди. ComicConnect.com саитида ёзилишича, китоб 1938 йили чоп этилган, ўша вақтда унинг нархи атиги 10 цент бўлган. Ўтган йили шундай китоб 317 минг долларга сотилган эди. Бу галги китоб жуда яхши саклангани боис шунча баланд баҳоланган.

Супермен Америка оммавий маданиятида ёрқин ҳодиса саналади. У ҳақда сон-саноқсиз комикс китоблар нашр

этилган, телесериаллар, бадиий фильмлар ишланган. «Зобги интернешн» компанияси бирор йил олдин ўтказган сўровлар натижасига кўра, АҚШнинг 37 фойз ахлиси Меркурий Кўёшга энг яқин сайёра эканидан хабардор, аммо 60 фойз америкаликлар Суперменнинг хәйлий Криптон планетасиданлигини ишонч билан айтила олади.

КИТ БИЛАН ВИДОЛАШУВ

Бакълеу провинциясида 15 тоннага китни кўмисш маросимига 10 миндан ошик въетнамлик тўлланди, дея хабар тарқатди «Associated Press».

Кит жасади соҳилдан 40 километр узоқда топилганда, уни қирғоқча чиқариш учун ўнлаб балиқчилар кунбуйи овора булишиди. Кейинчалик кит шараfiga муҳташам ибодатхона куриш ҳам режалаштирилган.



Въетнам балиқчилари китнинг муқаддас жонзотлигига ишонишиади. Уларнинг фикрича, кит (тирик ё ўлик бўлишидан қатъи назар) билан учрашув бахт-омад келтиради.

Интернет манбалари асосида
Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.



•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ•СПОРТ

ФАЛАБА МУБОРАК, «БУНЁДКОР»!



Тошкентдаги «Жар» стадионида «Бунёдкор» клуби ОЧЛ баҳсолари доирасидаги ўзининг бўйли биринчи ўйинин ўтказиши. Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» клуби билан бўлган ўйинда, вакиларимиз рагби дарвазасига жавобсиз учта тўп киритиб, янги футбол мавсумини кўтарини руҳда бошлаб берди.

Ўтган йили ОЧЛнинг финалига чиқсан ва бу йўлда «Пахтакор» клубини додга қолдирган «Ал-Иттиҳод» клуби кечада «Бунёдкор»га қарши ҳеч нарса кила олмади.

ГЕЙНРИХ ЯНА «ПАХТАКОР»ГА ҚАЙТДИ

Тажрибали хукумчи Александр Гейнрих навбатдаги мав-

сумни ҳам «Пахтакор» сафида ўтказадиган бўлди.

Ўтган мавсум якунига еттага, пахтакорчилар билан тузган шартномаси тугагани боис Гейнрих эркин агентга айланди ва фаолиятини давом этириш учун қуай варианларни кўриб чиқди. Бир неча кунлар олдин у «Волга» машгулотларида ҳам иштирок этиб кўрди. Охир-оқибат Саша қадрдан клуби таркибига қайтиш ҳақидаги таклифа ижобий муносабат билдириди. Шу тарпи яқинлашиб келаётган мавсумда Александр Гейнрих яна «Пахтакор» либосида майдонга тушади. Умид қиласиз, унинг жамоамизга қайтиши хукумдаги муаммоларни ҳал қилишда янада аскотади.

НАСИМОВ “РУБИН” БИЛАН ШАРТНОМА ИМЗОЛАДИ

Самарқанднинг «Динамо» жамоаси хукумчиси Баҳодир Насимов Қозоннинг «Рубин» клуби билан шартнома имзолади. Бу ҳақда «Рубин» жамоасининг расмий сайти хабар тарқатди.

Истеъодли футболчи шу йилнинг январида Москвада бўлиб ўтган МДХ Кубоги турнирида «Бунёдкор» клуби билан иштирок этиб, муррабийлар эътиборига тушди. Ушбу турнирда бешта гол муаллифига айланган хукумчимиз россиялик мутахассислар назарига тушанди.

Кейинчалик қозонликлар Насимовни кўридан ўтиш учун жамоага тақлиф этиди. У машгулотларда тиришқоқлик билан иштирок кириш имконияти яратилиди.

Интернет манбалари асосида
Илхом ЖУМАНОВ тайёрлади.



этиб, муррабийлар эътиборига тушди.

22 ёшли футbolchimiz қозонликлар билан уч йилга мўлжалланган шартномани имзолаган. Бу вақт ичада хукумчимизда «Рубин» клубининг асосий таркибига кириш имконияти яратилиди.

ПУЛ ЖИГАРДАН БЎЛАДИ, ЛЕКИН...

ОДАМ САВДОСИ

...2008 йил 3 июня. Кўчкорали бошчиликдаги 22 нафар киши (энг ачинарлиси, уларнинг иккитаси аёлларини ҳам бирга овлолган эди) Фарғонадан йўлга чиқади. Каллоб махалладошига алданган бу инсонлар Тошкент вилоятидан Козоғистон чегарасига ўтади. Уларни шу ердан маҳсус автобус Россиянинг Помольский туманига олиб кетиши керак эди. Аммо...

Жабрланувчилардан бирининг ҳикояси:

– Кўчкор бизни Козоғистонда «Қоплон-бекнинг дачаси» деб, бир жойга олиб борди. Ҳаммамиз у ерда бир ҳафта қолиб кетдик. Йўлга овлолган озиқамизни еб туғатдик. Пул ҳам, етулик ҳам қолмади. Корин тўйдириш учун шу атрофда яшовчи одамларнинг ўйда мәрдикорлик қилишга мажбур бўлдик. Ниҳоят, айтилган автобус келди. Лекин у ҳам қўлда бузилиб қолди. Уч-тўрт кун автобус ичидаги яшадик. Бу орада ҳатто йўловчи машина хайдовчилари ялиниб, кун кечирдик.

Ниҳоят, улар 30 июль куни оч-нахор бир аҳволда Москва вилоятининг Помольский туманинг ётиб борашибди. Кўчкор махалладошларини кореиси миллатига мансуб Валера исмли шахсга топшириди. Ҳар бир паспорт учун 4500 рублей санаб олгач эса, жуфтакни ростлаб қолади. Ана шундагина ҳамма Кўчкор уларни сотиб юбориш учун олиб келганини англайди. Лекин энди кеч эди...

Барча алданганлар Кўчкорали Мамажоновга ишониб лаққа тушганидан пушаймон бўлади. Унинг сал аввалроқ ҳужжатларни қалбакилаштириш жиноятида айбланиб судланганини ҳам эслаб колади. Афуски, аслида бу галлар ойига 700 АҚШ долларидан маош ваъда килинганида, уларнинг ишончига кириш учун 25 минг сўмдан пу тарқатилганида эсланиши керак эди. Тўғри, қышлов шароитида бирорвога 25 минг сўм пу берсангиз, айниқса, у ишисиз юрган бўлса, мойдек айниқса аниқ. Аммо ...

– Бир махалладанмиз-ку, бизни алдариши деб соддалик килганимиз, – деб ҳикоясида давом этади жабрланувчи. – Ўшандан сўнг Кўчкорни қайтиб кўрмадик. Валера бизни иккита микроавтобусга жойлаб, узоқ чўлга олиб борди ва дехончилик ишларига буюриб, «Сенларнинг ҳамманинг сотиб олганман. Агар қайси биринг паспортингни олмоқчи бўлсанг, 10 минг рубл ишлаб беришинг керак», деди. Трактор, техника қиласидан ишларни ҳам кўлда бажарадик. Валеранинг тўрт нафар ишчиси пистолеттава автоматлари билан бизни назорат қилиб турарди. Қозоғ картондан курилган ўйларда доимий зугумлар остида яшардик. Эз ўтиб, куз ҳам келди. Биз эса доим бу ерлардан қочиб кетиш учун фурсат пойлардик.

Махалладошларини мана шундай дўзах азобига ташлаб, ўзи айш суруб

юрган Кўчкорали Мамажонов илгари судланганида амнистия акти асосида жазодан озод қилинган. Буни қарангки, у шунда ҳам тўғри холоса чиқармади, ўзига нисбатан кўрсатилган инсонпарварликка асосланган имкониятдан фойдаланмади. Аксинча, ўз нафсими қондириши йўлида россиялик Дима исмли шахс билан жинойни тил бириттириб, одам савдоидек қабиҳ ишга кўл урди. Энг ачинчилиси, унинг курбонлари Фурқат тумани ва шу атрофдаги худудларда яшовчи ўз таниши билдишлари эди. Бирор, ҳалқомиз айтгандек, қинир ишнинг қийиги кирқ йилда ҳам чиқади. Ҳозирги кунда эса қирқ йил кутиш шарт эмас.

– Ахйир, ўша фурсат келди, – дейди Кўчкорнинг фирибларига учган махалладош. – Ҳаммамиз келишиб олиб, кечаси қочдик. Бошқа ерда курилиш ишларидан ишладик. Топганимизни йиғиб, Валерадан паспортларимизни сотиб олдик. Ҳудога шукр, 2008 йилнинг октябрда бир гурухимизга Ўзбекистонга қайтиб келиши насаби этди...


2009 йилнинг май ойида Фурқат тумани прокуратурасида фуқаро Мамажонов Кўчкоралининг жинояти иши кўриб чиқиди. Айлоб холосаси яқунланди. Унга суд хукмига биноан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасидаги белгиланган тегишихи жазо берилди.

Бугун республикамизнинг бошқа

худудларида ҳам нафақат миллат шаънига, балки инсонномига ҳам дод туширадётган бундай «одамғуруш»лар топилади. Уларнинг орасида наиники махалладошлари, шунингдек, қариндош-жигарларини ҳам сотиб юбораётганлар борлиги янада ачинарли холдир. Тўғри, пул жигардан бўлади, деган гап бор. Лекин бу ўз жигаргўшаларинги сотиб, пул қил деганинг эмас-ку!

Бундай холларнинг олдини олиш борасида юртимизда кенг миқёсли ишлар олиб бориляпти. «Одам савдосига қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги коюн ижроси юзасидан Фурқат туманида ҳам туман ҳокимлиги, бандлик маркази ва прокуратура ҳамкорлигига маҳсус дастур ишлаб чиқилган. МФЙ, ўкув юртлари ва ташкилотларда тушуништиш ва тарғибот ишлари олиб бориляпти. Тўғри, жиноятилар ўзларига тегиши жазоларни олди. Лекин ҳам алданиб, ҳам адабишиб, юқоридагидек нобакор қимсалар алдовига учеб, сарсон-саргардонликни бошидан кечирган айрим соддадил, ишонувчан юртдошларимиз кўргуликларидан бошқалар ҳам керакли холоса чиқариб олишармикин?

Рахматжон АБДУРАХИМОВ,
Фурқат тумани прокурори,
аддия маслаҳатчisi,
Ноила ХОЛМАТОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Фарғона вилояти



ЎГРИ БИТТА, ГУМОНДОР МИНГТА

Тўртинчи каватда яшайдиган қўйнимизнинг уйини ўғри кетди. Яна купла-кундузи дэнг. Бозорга кетиб, уч соатлар чамасида уйига кайтган қайнона ва келин хукук холатнинг устидан чиқиши. Энг кизиги, ўгрилик содир бўлган пайтда «подъезд» олдидаги ўрдиндикда учтўрт нафар шу уйда яшайдиган хотин-халажар гурунглишиг ўтиришган экан. Бирпаста бутун «дом»да шовшув болшалик кетди.

Ўгрилини сизни яхши билган одам қўйган қажон, қеярга боришинизни, уйга қайтишинингизни жуда яхши билган. Йўқса, купла-кундузы кўрмай, киравмиди?! — деди бир кўшини аёл.

Рўпарангиздан яшайдиганлар ўзи яхши одамларми? — сўради яна бирор.

Ат-тўрт кундан бўён шу атрофда бир-иккитаси ўралашиб юришуди, — ган кўшилди кимдир.

Сезганингиздек, ўғри биттаю, лекин гумондору тахминлар мингта эди.

Яхшияники, иккى кун ичига ҳукуктартибот идораси ходимлари саъхаракати билан ўрлилар топилди. Улар ҳеч қеърда ишламайдиган, ўқимайдиган бегона ўсмур болалар экан.

Аниқланишича, бу ўспиринлар ҳамманинг кўз ўнгида ўша уйга кириб кетишган экан. Йўлан олдида ўтирган аёлларнинг эса ёнгиналирдан ўтиб кетган ва орталарига тугунбўхча кўлтиклаб қайтган бегоналарни пайкашмаган дейиш мушкул.

Дугонамни кутиб, бир болалар боячаси дарвазоси ёнида иккى соатча туришимга тўғри келди. Ланг очиқ дарвазадан истаган одам кириб, истаган киши кириб кетаяти. Вахоланки, болаларни бочага олиб келишвақти тугаган. Бир пайт иккита ўрта ўшлардаги киши бирлаҳза атрофга олазарак назар ташлади-да, бочга ховлисига кириб кетди. Ичкарида ўзи иши билан машғул бўлган коровул уларга бир қараф кўйдио, негадир

✓ НИМА ДЕЙСИЗ?

индамади. Бояги иккى киши орадан ўн дакиқа ўтга, қайтиб чиқиб кетди.

— Хозиргина бу ердан чиқиб кетган кишиларни кўрдингизми? — ёнга бориб, саволга тутдим коровули.

— Пайкамай колибман, кизим. Боласини боғчага олиб келганлардан-дайд?

— Йўк, улар ҳеч қандай бола етаклаб келганлари йўк.

— Бўлмаса, шу ерда ишлайдиганларнинг эридир ё ақасидир?

— Билмадим, нима бўлганда ҳам, сиз уларни тұхтатишингиз, ким эканликларни билди кўлишингиз керак эди. Сиз бу беларволовингиз билан неча-неча бегуноҳ болаларнинг ҳаётини хавф остига кўяётганингизни билисанизми?

— Бунақа гапларни кўйинг, худо ўзи арасра, ҳеч қандай нохушилк из бермайди, — деди оптимиш беш-етмиш ўшларни коралаб қолган коровул амаки ва «гап тамом» дегандай, ишига шўнгиди.

Холбуки «ўзини асрарнини худо асрайди», деган гап ҳам бор-ку!..

Шаҳло ТОШБЕКОВА,
«Оила ва жамият» мухобири.



Отам Замиранинг отаси билан энг калин дўст бўлишган. Уларга ҳамманинг ҳаваси келарди. Кизикишиб, биз иккимизни шашка ўйнатишарди. Кизчага раҳимм келиб, доим ютказардим. Отам эса мени койир, дўсти эса кизини мақтарди. Бизлар баб-бара-вар вояга етдик. Отам онамнинг норозилига карамай, Замиранни келин қилимиз, деб оёб тираф олди. Ўзим ҳам унга жуда қаттик бөвланиб қолганим учун бошқа қизга ўйланисимни тасаввур ҳам қилолмасдим. Нихоят, тўйимиз бўлди. Феъл-атворимиз ўхшаш бўлгани учунни бир-бirimiziga мос эдик. Лекин, минг афсуски, ўртамизда фарзанд бўлмади. Мен ундан ажралишини сира истамасдим. Ота-онам, «ёлғиз ўғлимизсан, нима, зурёдсиз ўтасанми, чирогимизни ким ёқади», деб холжонимга кўшишмас, мен эса «ажрашмайман», деб сўзимда туриб олардим. Йиллар оқар сув экан. Шу орада ота-онам ҳам дунёдан ўтиб кетиши. Замира эса бедаво дардга йўлиди. Пешонамда бор экан, сўққабош бўлбай қолдим. Гоҳо ота-онамнинг айтанини қилганимда ҳозир ёлғизлик азобини тортиб, бошимни қайси тошга уришини билмай ўтирамасдим, деб ўйлаб қоламан. Сўнгти умидим сизлардан. **Ёшим 59 да.** Қадримга етадиган, меҳрибон аёл учраса, ҳабар берсангизлар.

АБДУСАЛОМ,
Самарқанд вилояти».

«Лола билан талабалик даври-мизда Сирдаёра ҳашарга борганимизда танишиб, ахду-паймон қилганимиз. Охирги курсда ўқиёт-

минизда тўйимиз ўтди. Дастрраб биноидек бахти яшадик. Иккى кизли бўлдик. Хотиним аввалинда кийим-кечакка, мол-дунёга қизикарди, лекин бу даражада берилиб кетишини билмаган эканман. Бора-бора ҳамма нарсанни пул билан ўлчайдиган бўлиб кольди.

Мени не азобда оқ қишиб, оқ тараф вояга етказган, ўқитган онам, улакарим ҳам бизнисига йўқлаб келишдан оёғини тийди. Бу менга оғир ботарди. Лола гап-сўзимга кулоқ солмай, ўз бўлганидан қолмади. Қизларимни кўзим қўймасди. Бир куни ҳе йўк, бе йўк «Мен топармон-тутармон, тадбиркор аёлман, чидасангиз ана, яшашни ҳоҳламассангиз катта кўча» деса бўладими? Охирни ажрашдик. **Ёшим 50 да.** Оқкорани танийдиган, инсони фазилатларни қадрлайдиган аёл билан танишиб, мустаҳкам оила курмоқчиман.

ДОНИЁР,
Тошкент вилояти».

«Кизимиз Мафтунани кўшини маҳалламиздаги Шокир деган йигитга унаштиридик. Тўй куни беғлилаб кўйилган экди. Кўшинимиз Ҳасан оға соўкү гап топиб кельди: куёв бола гиёхандликка рўжу кўйган экан. Нима қилари-

миниз билмай қолдик. Биз бир қарорга келгунча, куда тараф тўйни бошлаб юборди. Қизимизда сезидирмадик. Бир йилча тинчтотув яшашди, қизчали бўлишиди. Шокир эса ўрганган одатини ташловлади. Ота-онасининг гапига ҳам қулоқ солмади. Қизимизни ажратиб олдик, янга яришиди. Шу орада ўғилчаси туғилди. Шокир бариби ўнгланмади. Ноилож қолгач, Мафтуна қонуний ажрашди. Мана шунга ҳам беш йил бўлиди. Қизимизнинг ёши 30 да. Малъумоти ўрта-максус. Ёшига мос, заарли одатлардан холи инсон учраб, оила курса, кўнглилиз тинчирди.

БЕКПОШША хола,
Хоразм вилояти».

— Алло, таҳририятми?
— Ҳа, эшитамиз.
— Навоий вилоятидан қўнғироқ қиласяпман. Қизим Райхон кўнгли чопиб-чопмай сизларга хат ўйлаб, ҳужхатларини юборганди. Хотини билан қонуний ажрашган, иккি фарзандли Ҳуршидинг телефон ракамини берган эканлизлар. Улар учрашиб гаплашишиди. Ақа-уқаларига, менга маъкул бўлди. Тақдири кўшилган экан. Ҳозир бахти яшаетпи. Барака топинглар...

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахти бўлинг» руқнига хат ўйллаётган ёки бевосита муровга килаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд карорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни кўллаб-кувватлаш» асосицияси ва «Софлом авлод учун» ҳалқаро жамғармаси

«ИНФАРММАДАД»

Саломатлик марказига марҳамат!

Марказда малакали шифокорлар — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гемининг, лор, окулист, болалар невропатологи, шуниндең, УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапия хизмати фаолият олиб боради.

КўПЛАВ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУХФА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ, СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАКАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!

Ёш келинлар ҳомиладорлик вактида «Бўлдажон она-лар мактаби» қатнаб, тегиши маслаҳатлар билан бирга, даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўришидан ўтиб, фойдалай ўйл-йўриклилар олиб туриши мумкин.

Эди дунёга келган чакалоқлар эса мунтазам равишда болалар невропатологи, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, геминингтолог кўришидан ўтиб, барча ҳолларни таъсизлайди.

Хурматли эркаклар! Агар сизда бел, қоюқ соҳасида оғрик бўлса, тунда ҳожатга тез-тез чиқши, пешоб келгандан сунг ачишиши, жинсий ожизлик, бепуштилик, сабабизи баш оғриги, бел, бўйин оғриб, қотиб қолши, асабийлик, ўйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатиласа, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориб бўлишингиз мумкин.

Балоғат ўшидаги қизларда ҳайз келгандан кучли оғрик бўлиши, бепуштилик, сабабизи қон кетиши, тұхымдан кистасы, асабийлашиш, қирк ўшдан ошаган аёлларда қон босимининг ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса, малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида давола-надо.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Faafur Fулом» метро бекати.

МЎЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади. Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02

Барча хизматлар лицензияланган.

«ЎҚТАМХОН-НУР» ўкув маркази

куйидаги ўкув курсларга таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шиими,

плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш,

2 ойи амалиёт.

Ҳамшира (тезкор) — 3 ой.

Тиббий массаж — 2 ой (амалиёт билан). Нуқтали — 1 ой.

Торт ва пиширилар — 2 ой (амалиёт билан).

Пиширилар олий курси — 1 ой.

Үйгурча таомлар ва салатлар — 1 ой (амалиёт билан).

Аёллар сартарошлиги — 3 ой (амалиёт билан).

Педикюр, маникор — 1 ой (амалиёт билан).

Сартарошли — 3 ой (амалиёт билан).

Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия хисоби — 3 ой.

Элита парда ва чойшаблар — 1 ой (амалиёт билан).

Сартарошли — 2-3 ой (уғил болалар учун, амалий).

Каштакчилик — 3 ой (машинкада вишивка).

Тўқувчилик — 2 ой.

Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Бисер тикиши, янни мунҷоқ тикиш — 2 ой.

Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.

Арабча ва миллий рагс — 3 ой.

■ Машгулотлар амалиёт билан бирга олиб борилади.

■ Ётотхона мавжуд.

Ўқиши тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-йи, 31-хона.

Мўлжал: Юнусобод деҳон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 (кундузи), 225-97-93

18:00дан 22:00 гача.